
Фурқат тумани тиббиёт ходимлари ўртасида хотира турнири ўтказилди

Хотира ва қадрлаш куни арафасида туман тиббиёт бирлашмаси томонидан спортнинг мини-футбол мусобақаси баҳонасида кўп йиллар туманнинг тиббиёт соҳасига умрини бағишлаган инсонлар хотираси ёд этилди.

Шифокорлар таркибидан иборат жамоалар ўзаро баҳс олиб бориб, ғолиблик учун беллашдилар. Ғолиб бўлган жамоалар касаба уюшмаси ва ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Эътиборлиси шундаки, тиббиёт ходимларидан иборат 6 та жамоа шакллантирилиб, турнир ташкил этилганлиги соғлом турмуш тарзини шифокорлар ўртасида амалий йўлга қўйилганлигини кўрсатди.

2023-05-08 08:19:46